ISSN: 2181-1741 (print)
ISNN: 2181-1725 (online)
2024 / № 10

# FILOLOGIK TADQIQOTLAR:
# TIL
# ADABIYOT
# TA'LIM



## Philological research:
## LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

## Филологические исследования:
## ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

pholologicalresearch.uz

TERMIZ DAVLAT UNIVERSITETI
TerDU

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

# PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

# FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA’LIM

# ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

Илмий-инновацион журнал

Jurnal OAK Rayosatining 2022-yil 30-sentabrdagi 325/6-son qarori bilan filologiya fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan

2021-yildan buyon nashr etiladi

**2024/ № 10**

Termiz – 2024

**Muassis:**
**Termiz davlat universiteti**

**PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION**

**FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM**

**ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ**

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 19-oktyabrda 1122 raqami bilan ro‘yxatga olingan. Matnlarda foydalanilgan misol, ko‘chirma va ma’lumotlar aniqligi uchun mualliflar javobgardir. Jurnaldan ko‘chirib bosilganda manba qayd etilishi shart.

Bosishga ruxsat etildi: 28.10.2024
Qog‘oz bichimi: 70x85
Bosma tabog‘i: 5.94
Ofset bosma. Ofset qog‘ozi
Adadi: 100
Bahosi kelishilgan narxda
Buyurtma: 155-son

«TerDU bosmaxonasi»da chop etildi
Termiz shahri, Barkamol avlod ko‘chasi, 43-uy

**Tahririyat manzili:**
190111, Termiz shahri,
Barkamol avlod ko‘chasi, 43.
Telefon: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Rasmiy sayt:
https://journaltersu.uz

**BOSH MUHARRIR:**
Abduqodir TOSHQULOV,
*iqtisod fanlari doktori, professor*

**TAHRIR HAY’ATI:**

Bekpo‘lat Umurqulov, *filologiya fanlari doktori, professor (bosh muharrir o‘rinbosari)*
Shoxista Maxmaraimova, *filologiya fanlari doktori, professor (mas’ul muharrir)*
O‘ral Xoliyorov, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O‘zbekiston)
Olmos Ulviy Binnatova, f.f.d., professor (Ozarbayjon)
Karl Rayxl, f.f.d., professor (Germaniya)
Vali Savash yelok, f.f.d., professor (Turkiya)
Dorota Silviya, f.f.f.d. (PhD), dotsent (Polsha)
Muslihiddin Muhiddinov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Ibodulla Mirzayev, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Abdi Mamatov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Suyun Karimov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Muhammadxon Hakimov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Nafas Shodmonov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Dilmurod Quronov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Baxtiyor Mengliyev, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Normat Yo‘ldoshev, f.f.n., dotsent (O‘zbekiston)
Abdulla Xudoyqulov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Bobonazar Murtazayev, f.f.n., dotsent (O‘zbekiston)
Asqar Eshmo‘minov, f.f.d., dotsent (O‘zbekiston)
Obidjon Shofiyev, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O‘zbekiston)
Zafar Umurqulov, f.f.f.d., dotsent, (PhD) (O‘zbekiston)
Nurali Amonturdiyev, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Hakim Ahmedov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Ahad Shukurov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Eshnazar Jabborov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Abdumurod Arslonov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Sirojiddin Turdimurodov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Umida Raximova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Gulchehra Begmatova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Nargis Qurbonazarova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Muyassar Xolova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Sherzod Turdiqulov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Zaynura Qodirova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Humayun Nadim Muhammad, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)

Texnik muharrir: Bahodir To‘raliyev

**Учредитель:**
**Термезский государственный университет**

**PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION**

**FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM**
**ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ**

НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЖУРНАЛ

Зарегистрировано Агентством информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан от 19 октября 2020 года под номером 1122.

Авторы несут ответственность за точность приведенных в текстах примеров, отрывков и данных. Необходимо указывать источник при копировании из журнала.

Разрешено к печати: 28.10.2024
Размер бумаги; 70x85
Печатный лист: 5.94
Офсетная печать: Офсетная бумага
Тираж: 100. Цена договорная
Заказ: 155

Печатано в «Типографии ТерГУ»
ул. Баркамол авлод 43, г. Термез

**Адрес редакции:**
190111, г.Термез, ул. Баркамол авлод, 43.
Телефон: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Официальный сайт:
https://journaltersu.uz

**ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР**:
Абдукадир ТАШКУЛОВ, доктор экономических наук, профессор

**РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:**

Бекпулат Умуркулов, доктор филологических наук, профессор (зам. главного редактора)
Шохиста Махмараимова, доктор филологических наук, профессор (ответственный редактор)
Урал Холияров, ф.ф.ф.д. (PhD), доцент (Узбекистан)
Олмос Улвий Биннатова, д.ф.н., профессор (Азербайджан)
Карл Райхл, д.ф.н., профессор (Германия)
Вали Саваш Елок, д.ф.н., профессор (Турция)
Дорота Сильвия, PhD, доцент (Польша)
Муслихиддин Мухиддинов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Ибодулла Мирзаев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Абди Маматов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Суюн Каримов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Мухаммадхон Хакимов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Нафас Шодмонов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Дилмурод Куронов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Бахтиёр Менглиев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Нормат Юлдашев, к.ф.н., доцент (Узбекистан)
Абдулла Худайкулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Бобоназар Муртазаев, ф.ф.н., доцент (Узбекистан)
Аскар Эшмуминов, д.ф.н., доцент (Узбекистан)
Обиджон Шофиев, д.ф.ф.н. (PhD), доцент (Узбекистан)
Зафар Умуркулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Нурали Амонтурдиев, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Хаким Ахмедов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Ахад Шукуров, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Эшназар Джаббаров, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Абдумурод Арслонов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Сирожиддин Турдимуродов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Умида Рахимова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Гульчехра Бегматова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Наргис Курбаназарова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Муяссар Холова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Шерзад Турдикулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Зайнура Кадирова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Хумаюн Надим Мухаммад, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Технический редактор: Баходир Туралиев

**Institutor:**
**Termez State University**

**PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION**

**FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM**

**ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ**

SCIENTIFIC-INNOVATIONAL JOURNAL

Registered by the Agency for Information and Mass Communications under the President's Administration of the of the Republic of Uzbekistan on October 19, 2020 under number 1122.

The authors are responsible for the accuracy of the examples, passages and data provided in the texts. The source must be specified when copying from the journal.

Approved for printing: 28.10.2024
Size of the paper: 70x85
Printed sheet: 5.94. Offset printing.
Offset paper. Circulation: 100
Price is negotiable
Order: 155. Printed at the «Printing House of the TerSU»
43, Barkamol avlod str. Termez city.

Address of Editorial Office:
190111, Barkamol avlod str., 43,
Termez city.
Phone: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Official website:
https://journaltersu.uz

**EDITOR IN-CHIEF**:
Abdukodir TASHKULOV, doctor of economic sciences, professor

**EDITORIAL BOARD:**

Bekpulat Umurkulov, doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (deputy chief editor)
Shohista Makhmaraimova, doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (editor-in-chief)
Ural Kholiyorov, PhD, associate professor (Uzbekistan)
Olmos Ulviy Binnatova, doct.of philol. sciences, professor (Azerbaijan)
Karl Rayxl, doct.of philol. sciences, professor (Germany)
Vali Salvash Elok, doct. of philol. sciences, professor (Turkey)
Dorota Silvia, PhD, associate professor (Poland)
Muslihiddin Mukhiddinov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Ibodulla Mirzaev, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Abdi Mmatov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Suyun Karimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Muhammadkhon Khakimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Nafas Shodmonov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Dilmurod Kuronov, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Bakhtiyor Mengliev, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Normat Yuldashev, cand.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Abdulla Khudaykulov, PhD (Uzbekistan)
Bobonazar Murtazaev, cand.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Askar Eshmuminov, doct.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Obidjon Shofiev, PhD, associate professor (Uzbekistan)
Zafar Umurkulov, PhD (Uzbekistan)
Nurali Amonturdiev, PhD (Uzbekistan)
Hakim Akhmedov, PhD (Uzbekistan)
Ahad Shukurov, PhD (Uzbekistan)
Eshnazar Jabbarov, PhD (Uzbekistan)
Abdumurod Arslonov, PhD (Uzbekistan)
Sirojiddin Turdimurodov, PhD (Uzbekistan)
Umida Rakhimova, PhD (Uzbekistan)
Gulchekhra Begmatova, PhD (Uzbekistan)
Nargis Kurbanazarova, PhD (Uzbekistan)
Muyassar Kholova, PhD (Uzbekistan)
Sherzod Turdikulov, PhD (Uzbekistan)
Zaynura Kadirova, PhD (Uzbekistan)
Humayun Nadim Muhammad, PhD (Uzbekistan)

Technical editor: Bakhodir Turaliyev

# МУНДАРИЖА

## TILSHUNOSLIK

**JO‘RAYEVA BIBISH MUXSINOVNA,**
**TO‘XTAYEVA DILAFRUZ ASHUROVNA**
Intensivlik va darajalanish munosabati .....7

**ТОЖИЕВ ОЛИМЖОН МУЙДИНОВИЧ**
Ўзбек тилида равиш/сифат типидаги лексемаларда мазмуний синкретизм .....12

**UMURQULOV ZAFAR BEKPO‘LATOVICH**
Til – hissiyotlar ifodalash vositasi .....16

**MARDIYEV BEGALI XUDOYQUL O‘G‘LI**
Shaxs nomlarining lug‘aviy qatlamdagi o‘rni va tavsifiy belgilari .....21

**QODIROVA MUKADDAS TOG‘AYEVNA**
Ingliz tili biznes diskursida dunyoning paremiologik manzarasi.....24

**JO‘RAYEVA NASIBAXON GANIYEVNA**
Tarixiy romanlar diskursida so‘zlarning
o‘zaro ma’no munosabatlari .....29

**RO‘ZIMATOVA DILNOZA MURODOVNA**
Ijtimoiy maqomning sotsiolingvistik talqini .....32

**ZAYNUTDINOVA GULNOZA ANVARJON QIZI**
Presedent birliklar va turg‘un birikmalarning
badiiy matndagi poetik ahamiyati (Shuhrat Orif ijodi misolida).....37

**VASLIDDINOVA KAMOLA QODIRJON QIZI**
Korpus platformalarining til tadqiqotidagi amaliy ahamiyati.....42

**НАРМУРОДОВА ДИЛФУЗА АБДУХОЛИК КИЗИ**
Типологические и генетические характеристики
терминосистемы civil engineering/строительство .....46

**YADIGAROVA SITORA BAXRAMOVNA**
Phraseological units with clothing components in english language.....49

# МУНДАРИЖА

ADABIYOTSHUNOSLIK

**BOLTAYEVA GULCHEHRA SHOKIROVNA**
Muxammaslarda ijtimoiy muammolar tasviri.....51

**СМАМУТОВА ШИРИН АЗАТБАЕВНА**
Қазіргі қазақ-қарақалпақ прозасындағы әдеби байланыстар.....54

**АБДУЛЛАЕВ МУҲАММАД ҲАМЗАЕВИЧ**
Убайдий рубоийнавис шоир.....57

**ГАСЫМОВА СЕВИНДЖ АШУР КЫЗЫ**
Традиции праздника новруз в Азербайджане.....60

**NADIM MUHAMMAD HUMAYUN**
Alisher Navoiying «Hayratul-abror» dostoniga ishlangan «Hammomdagi uchrashuv» miniatyurasiga sharh va Navoiy qurdirgan ba'zi inshootlar.....66

**JUMAYEV ILHOM HAMROYEVICH**
O'zg'urmish – komil zohid timsoli.....71

**КЕНЖЕБАЕВА РОЗА САЙЛАУОВНА**
Фариза оңғарсынова және қарақалпақ Ақын-жазушылары арасындағы достық әдеби байланыс.....78

**ALIYEVA ORZIGUL**
Abdulla Oripov va Shavkat Rahmonning olam hamda insonga munosabatidagi o'ziga xoslik.....81

**Резюме:** В статье дан общий обзор воздействия и влияния казахской национальной интеллектуальной прозы XX века, великого писателя Абиша Кекилбаева на современную каракалпакскую прозу. Также говорится об общей духовной гармонии произведений Толепбергена Кайипбергенова и Абиша Кекилбаева, считающихся элитами каракалпакской прозы, умении рационально использовать проблему времени и пространства, мастерстве передачи психологии и внутренний монолог персонажей.

Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, ta'lim. 2024; 10
ISNN: 2181-1741 (Print)
ISNN: 2181-1725

# УБАЙДИЙ РУБОИЙНАВИС ШОИР

**Абдуллаев Муҳаммад Ҳамзаевич,**
*Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети*
*араб тили таржима назарияси ва амалиёти кафедраси доценти*
*филология фанлари номзоди*

Шарқ адабиёти тарихида муҳим ўрин эгаллаб, ўзининг латиф маънолари, ғоя, мавзу, вазн ва қофия ёрдамида гўзал мусиқийлиги билан шеърият майдонида чавгон урган етук шоирларнинг диққат-эътиборини ўзига тортган лирик жанрлар-дан бири рубоийдир. Бу жанрнинг шакли ва ғоявий асослари тарихан туркий-форсий халклар оғзаки шеърияти билан бевосита алоқадорлиги илмда ёритилган. "Лўғатнома" асарида рубоий ҳақида қуйдаги маълумотларни келтиради: Рубоий тўрт мисрадан иборат шеърий жанр бўлиб, биринчи, иккинчи ва тўртинчи мисраси ҳам қофия бўлади. Арузшунос Халил ибн Аҳмади Фароҳидий рубоийни таърифлаб шундай дейди: Рубоий баҳри ҳазажнинг ахраб ва ахрами мусамманда ёзилади ва ҳеч бир шеър рубоийдек қалбга яқин эмас, баҳри ҳазажни қуйидагича тавсифлайди – بحر الهزج هو من البحور الشعرية الصافية ذات التفعيلة الواحدة و يرتكز في بنائه علي تكرار مفاعيلن أربع مرات[1]

(*Баҳри ҳазаж ўзига хос соф-мусиқий шеърий баҳр, бир тафъиланинг тўрт марта такрорланишидан ташкил топади).*

مفاعيلن مفايلن مفاعيلن مفاعيلن,

*Мафоъийлун мафоъийлун мафоъийлун мафоъийлун.*

Аммо рубоий ҳазаж баҳри зиҳобга учраб اخرب ахраб вазнида келади. Аҳмад Фароҳидий ахраб вазнини ўн икки турга бўлган бўлса, ажам аруз-шунослари яна тўртта вазн қўшади: اخرب مقبوض مكفوف مجبوب мақбузи макфуф мажбуб–мафъулу мафоъилун мафоъийлу фаъалу; اخرب مقبوض مكفوف اهتم - мафъулу мафоъилун мафоъийлу фаъулу; ўн иккинчиси- اخرب مخنق ابتر ---мафъулу мафоъилин мафъулун фаъ.[2] Убайдий рубоийлари аксари мазкур, 12-баҳрга тушади.

مفعول مفاعلين مفعولن فع

*Мафъ-у-лу ма-фо-ий-лин мафъ-улун фаъ*

Форс адабиётшуноси Алиакбар Деҳхудонинг таъкидлашича, рубоий шеърий жанрларнинг энг латифи ва улуғи ҳисобланади, чунки унинг вазни حول و لا قوة الا بالله ولا вазнига қиёсланган, агар ушбу калима вазнида келмаса, рубоий ҳисобланмас экан[3]. Шунинг учун Шарқда ҳазаж баҳри муборак баҳр ҳисобланган. Лекин рубоий араб ёзма адабиётида аввал Андолусия арабларида - ابيات абёт номи билан ва форс шоирлари орасида رباعي номи билан кенг тарқалган. У а,а,б,а шаклда қофияланиб келади.

Рубоий жанри Ибн Сино, Умар Хайём, Румий, Мирзо Бедилларнинг ижодида юқори босқичларга кўтарилган. Ҳатто, Умар Хайём ва Румий рубоийлари форс тилидан араб ва бошқа тилларга таржима қилинган. Дастлабки, рубоийнинг мукаммал намуналари Рўдакий, Шоҳиди Балхий кабилар

[1] علي اكبر دهخدا. لغت نامه. تهران.ج. ٨ ٨٢١١ص. *

[2] خليل بن احمد كتاب العين. مصر. 3102. ص.545.

[3] Ўша китоб, 8-ж. 11890-Б.

ижодида кўринган. XI асрнинг Қатрон Табризий, Фалакий, Афзалиддин Иброҳим Ҳоқоний, айниқса, XII асрнинг машҳур шоираси Маҳсатий Ганжавийлар ижодида рубоийнинг гўзал намуналари бор. Кейинчалик у Насимий ва бошқалар ижодида тараққий қилгандир.

Ўзбек адабиётида рубоийнинг ғоявий-бадиий ривожланиши Мавлоно Лутфий, Ҳофиз Хоразмий, айниқса, Алишер Навоий ижоди билан боғланган ва Навоийдан кейин яшаб ижод этган ўзбек шоирларининг деярли ҳаммалари бу йўлда Навоий тажрибаларини пухта эгаллаб қалам тебратганлар. Навоийдан кейин рубоий Бобур ва Убайдий ижодида янги босқичга кўтарилгани ҳам маълум, албатта. Убайдийнинг форсча ва ўзбекча рубоий соҳасини юксалтиришда кўрсатган хизматлари эътиборга лоиқ. Рубоий жанри тадқиқига бағишланган мақола ва китобларда ҳам ўзбек, форс ва араб тилларида тўққиз юзга яқин рубоий ёзган Убайдийнинг рубоиёти масаласида шоирга замондош Махдуми Аъзам томонидан яхши баҳо берилгани " Шарҳи рубоиёти Убайдуллохон".да ўз аксини топган.[1] Албатта, ўзбек рубоийнавислиги тараққиётига Убайдий ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшишга муваффақ бўлган маҳоратли шоирдир. Убайдий рубоий жанри учун белгиланган анъанавий қонун-қоида ва талабларга тўла-тўкис амал қилибгина қолмасдан, уни маъно ва мазмун томонидан бойитиш, ҳаётга яқинлаштириш, тил ва ифодада самимийликка эришиш, турмуш тажрибаларидан келиб чиққан ибратли хулосаларни шеърхон ҳукмига ҳавола этиш, мазмун билан оҳангдорликни мувофиқлаштириш кабиларга ҳам алоҳида аҳамият берган эди. Булардан ташқари, ижодкор рубоийларида ҳам фақат шоирнинг эмас, шоҳ ва ҳукмдорнинг ўй-хаёллари, эл-улусга муносабати, ҳаётий мақсадлари ҳам равшан аксини топган. Масалан, қуйидаги каби рубоийларда ҳаётнинг пас-баландидан яхши хабардор, халқ манфаатларини Ҳақ талаблари бўйича ҳимоя қилишни кўзлаган шоҳнинг овозини эшитиш мумкин деса, хато бўлмайди:

*Ҳар кимки, вафо ғоятиға етгусидир,*
*Оламдин ўшал вафо била ке тгусидир.*
*Бору йўқидин Эгасининг йўлида*
*Жони била бошини фидо этгусидир.*
*Мафъулу мафоийлу иафоъийлун фаъ*.[2]
(Ахраби макфуфи абтар)

Мазкур рубоийда ғоя, вазн, қофия ва мусиқийлик ҳамоҳанг ва яна шундай дейди;

*Истиза била улусни вайрон қилма,*
*Вайрон қилибон, ер била яксон қилма.*
*Яхшилик агар умидинг ўлса Ҳакдин,*
*Яхшиға жафо, ямонға эҳсон қилма.*

Бошқа бир тўртликда эса яна ҳам дилнишин ва ибратлироқ фикр айтилган:

*Дунёлигинга ишонмаким, кетгусидир,*
*Давлат доғи ҳар сари мафар этгусидир.*
*Мағрур қай элки бўлса дунёлиғина,*
*Охир ҳамул-ўқ бошлариға етгусидир*.
مفعول مفاعيل مفاعيلن فاع

Ҳазажнинг ахраби макфуфи мажбуб баҳри.

Шоирнинг хулосаси бўйича, мол-давлат, шоншуҳрат ва шоҳлик – булар ўткинчи, аммо парҳезгорлик- адолат давомий ва оламни эгаллашга қодир куч.

*Айёми нишоти яна ғам бўлғусидир,*
*Ҳар нишоти юз дарду алам бўлғусидур.*
*Оламда неки кўрсанг, анга берма кўнгул,*
*Билгилким, анинг бари адам бўлғусидур*.
Яна,
*Ғайрат юзидин кимки қилич урса мудом.*
*Олғусидурур мулк арусидин ком.*
*Ёр этса агар адолат этмакни анга,*
*Шак йўқким, олур адд ила оламни тамом*.[3]

Марҳум адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, профессор И.Ҳаққулов рубоий жанрида шоирларни қизиқтир-ган барча мавзуларда қалам тебратганлигини эътиборга ол-г ани ҳолда, мундарижасининг етакчи йўналишларига асосланиб, рубоийни тематик жиҳатдан уч гуруҳга ажратади:

1. Фалсафий рубоийлар.
2. Ишқий рубоийлар.
3. Таълимий-ахлоқий рубоийлар.

Убайдий рубоийлари ушбу таснифни яна биттага кўпайтиришни тақозо қилади. Чунки унинг рубоиётида тасаввуфий мазмундаги тўртликларнинг миқдори ҳам анчагинадир:

*Ҳозир кўрунгиз Худониким, ҳозирдур,*
*Олимдуру асрорингга ҳам нозирдур.*
*Дам урма Анинг қудрати бобидаким, ул*
*Ҳар не қилайин деса, қилур-қодирдур*.[4]

Убайдий рубоийларидаги энг муҳим фазилатлардан бири – унда форсийзабон салафлари ва Навоийнинг рубоийнависликдаги анъаналари-

[1] (مدخم اعظم. شرحي ربـاعيـاتـ عبـيـدالله خان). ЎзФАШИ қўлёзма. 6646.
[2] Убайдий девони. ЎзФАШИ.қўлёзма. № 8931. 545-бет.
[3] Ўша девон.567-бет.
[4] Ўша девон. 576-бет.

ни ўзига хос равишда давом этгириши бўлган. Айниқса, ишқий ва фалсафий тўртликларида шоир буюк устозларининг тажрибаларига суянади, улардан илҳомланиб садоқат,поклик, ҳиммат, ҳақиқат, маърифат тўғрисида таъсирли мисралар битади. Масалан:

*Меҳнат ёсин жоним учун қурди фироқ,*
*Жонимға менинг жафо ўқин урди фироқ.*
*Ўзгага раво кўрмайин ул меҳнатни,*
*Ваҳ-ваҳ, не қилай манга раво кўрди фироқ.*

Убайдийнинг бу рубоийси Алишер Навоийнинг фироқ мавзуидаги рубоийси билан ҳамоҳангдир:

*Юз меҳнату ғам кўнглума еткурди фироқ,*
*Жонима балову дард ўқин урди фироқ.*
*Жисмимни фано ўтиға куйдирди фироқ,*
*Чун куйди, кулини кўкка совурди фироқ.*

Ҳатто уларнинг иккинчи сатрлари деярли ўхшашдир. Навоий «Жисмимға балову дард ўқин урди фироқ» деса, Убайдий «Жонимға менинг жафо ўқин урди фироқ», дейди. Ёки Навоийнинг:

*Олимда табибу чора созим ҳам йўқ,*
*Ёнимда рафиқи дилнавозим ҳам йўқ.*
*Теграмда аниси жон гудозим ҳам йўқ,*
*Бошимда шоҳи банда навозим ҳам йўқ.*[1]

деган ҳасратли сўзлари Убайдийнинг мана бундай сатрларни тузишига маълум таъсир кўрсатган десак, хато бўлмайди деб ўйлайман:

*Ғурбатда ғариб оғриса сўрғучи йўқ,*
*Боши қошидин кетмайин ўлтургучи йўқ.*
*Ҳасрат била қонлар ютуб ўлмай нетсун,*
*Зориким, анча кимарса қайғурғучи йўқ.*

Ёки,

*Ғафлат юзидин ул кишиким айш этар,*
*Шак йўққим, анинг бошиға ул айш етар.*
*Ул ҳолдаким айш ила ишрат айлар,*
*Ногоҳ ажал анга кириб келса кетар.*

“Истилоҳоти фунун”да таъкидланганидек, «Ҳикмат соҳи-би бўлмаган шоир ҳеч қачон чинакам рубоий ёза олмайди.[2] Шу маънода, рубоий оламнинг таянч ҳақиқатларини ахтарувчи ва шу ҳақиқатларнинг жонли тўлқинларида туғён солган файласуф-нинг ақл чироғидир, зеро рубоийда нуктасиз ва латифсиз фикр айтилмас.”.

Убайдий эса оддий бир мутафаккир ижодкор эмас, балки илоҳий маърифатни мушоҳада қила олган орифтаъб шоир. Шунинг учун у бир рубоийсида ориф ва орифлик ҳақида махсус тўхталиб дейди:

*Ориф кишилар элга қотилмайдурлар,*
*Тенгри деганидин ўзга қилмайдурлар.*
*Нодонлар аларни кўзга илмайдурлар,*
*Ҳеч кимса алар узрини билмайдурлар.*[3]

Дўстга ориф кўзи билан қарашга интилган шоир инсон умри, тақдири, ҳаёт ҳодисалари хусусида донишмандона фикрларни ўртага ташлайдики, улар бугун ҳам одамни ўйлатадиган ва умрни қадрлашга чорлайдиган маънолардир:

*Ўтиб борадур шиддат ила умр, эй ёр,*
*Ранжу аламу меҳнат ила умр, эй ёр.*
*Афсус, афсус, кўз очиб юмқунча,*
*Ўтти-кетти ғафлат ила умр, эй ёр.*[4]

Шоир шу ҳақиқатдан келиб чиқиб, дейди:

*Ризо ато ва аносини ҳар ўғилки этар,*
*Худо ризо бўлуб, андин ҳам айлар ани Халил...*

Убайдий адаб ва яхши ахлоқ масаласига кенг қарайди ҳамда унинг ҳамма замонлар учун аҳамиятли жиҳатларини илҳом билан ёритади. Шулардан бири яхшилик. Унингча:

*Яхшилик яхши барчадин, эй дўст,*
*Яхшилик қудратини улус билсун.*
*Одам ўғлига айтким, зинҳор,*
*Иликдан келса яхшилик қилсун.*[5]

Шу сабабга кўра ҳам дўсту ёринг яхшилик ва яхшилик қилишда сендан илгарилаган бўлса, бу “олам ичра подшоликка эришдинг”: Ўзундан яхшироқ гар бўлса ёринг, Бўлурсан олам ичра подшо сен.

Убайдий рубоийларининг фикрий таъсирчанлиги ва мукаммаллигини таъминлашга хизмат қилган бадиий санъатлар ҳақида сўз юритганда, хусусан, талмиҳ, ирсоли масал, тазод, такрор, таносиб, тамсил кабиларни алоҳида эслатиб ўтиш лозим, Шоир мана бу рубоийда мантиқан «лаб», «ҳол», «зулф», «хат» мутаносиблигига таяниб, ниҳоятда гўзал мазмунни акс эттирган:

*Лаъли лабингға берай Бадахшон мулкин,*
*Холинг била зулфунгға Хуросон мулкин,*
*Хатингға доғи берай Хўтон, эй ёр,*
*Ҳам турра тарорингға Турон мулкин.*[6]

Шоир рубоийи тарона (а,а,а,а) жанрида ҳам самарали ижод қилган. Ушбу жанрнинг ажойиб тарихи бор. Кунлардан бир куни, куз кунлари форс шоири Абуабдуллоҳ Рўдакий кўчада кетаверса, ёш болалар ёнғоқ дарахтининг соясида ўйнаб ўтирар эдилар, болалардан бири дарахтдан узилиб ерга тушадиган ёнғоқ мевасига қараб ўта зукко-

[1] Ҳаққулов И. Ўзбек адабиётида рубоий. – Б. 21.
[2] خليل بن احمد الفراهيدي. اصتلاح الفنون. مصر. 2015

[3] Ўша девон. Б. 576.
[4] Ўша девон. 577-Б.
[5] Ўша девон. 578-Б.
[6] Луғатнома. 11900-Б.

лик билан, غلطان غلطان همي رود تا بن كو (маъулу мафоилун мафоилу фаъулу) шу байтни жўшқин овоз,хуш суратли ва хуш овозу беғуборликда айтганини эшитиб шоир рубоийи таронага асос солади ва бу жанрга “рубоийи тарона” деб ном беради. Бунда тўртала мисра бир хил қофияда келади.

Убайдий:

*Тубо-қадингга мойил эрур, гул-юзунгга,*
*Жон бирла кўнгул, қош ила жоду кўзингга.*
*Оғзингға-эрур ғунчаву Йисо – сўзунгға,*
*Ошиқмену девона бўлубмен ўзунгға*.

Хуллас, Убайдий рубоий жанрида қунт, муҳаббат ва ғайрат билан ижод қилган. Унинг 450 дан ортиқ туркий ва 455 дан зиёд форсий рубоийлари ҳам мазмун ва шакл, ҳам бадиий томондан адабиётимизни бойитишга хизмат қилиши билан алоҳида эътиборга лоиқдир.

**Резюме**. Убайдий рубоийнавис шоир, у 900 га якин рубоий ёзган. Махмуди Аъзам Убайдий ижодини яхши бахолаб, шоир рубоийлари хакида «Шахри рубоиёти Убайдий» номли рисола ёзади. Рубоий хазаж бахрининг ахраб, макфуф, мажбуб вазнида келади. Халил ибн Ахмад Фарохидий «Рубоий хазаж бахрининг ахраб ва ахрамига ёзилади» дейди.

**Resume**. Ubaydi is a poet who wrote about 900 rubai. Makhdumi A’zam highly appreciated Ubaydi’s work and wrote a treatise on the poet’s rubai, titled «Shahri Rubaiati Ubaydi.» Rubai khazaj comes in the meter of axrab, makfuf, majbub. Khalil ibn Ahmad Farkhidi says that «Rubai is written on the akhrab and akhram of the khazaj bakhri».

**Резюме**. Убайди – поэт-рубаинист, он написал около 900 рубаи. Махмуди Аъзам хорошо оценил творчество Убайди и написал трактат «Шахри рубоиёти Убайди» по поводу рубаи поэта. Рубаи хазадж приводится в размере ахраб, макфуф, мажбуб бахри. Халил ибн Ахмад Фарохиди говорит: «Рубаи записывается на ахрабе и ахраме хазаджа».

Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, ta’lim. 2024; 10
ISNN: 2181-1741 (Print)
ISNN: 2181-1725

# ТРАДИЦИИ ПРАЗДНИКА НОВРУЗ В АЗЕРБАЙДЖАНЕ

**Гасымова Севиндж Ашур Кызы,**
*Национальная академия наук Азербайджана*
*Институт фольклора, доктор философских наук по филологии*

Праздник Новруз – один из древнейших и наиболее актуальных памятников обрядовой культуры Азербайджана, имеющий богатую историю. Новруз – это символ нашего национального существования, великий и великолепный источник нашего национального развития.

Праздник Новруз, занимающий важное место в жизни и в быту азербайджанского народа, в национальной мысли, начиная с самых глубоких, даже неизведанных пластов истории, является событием вполне церемониальным. Виктор Тёрнер пишет: «Ритуал – это стереотипная последовательность действий, включающая жесты, слова, предметы»[1]. Новруз представляет собой огромный обрядовый комплекс, так как включает в себя множество ритуалов как одну церемонию.

В. Н. Топоров пишет, что «праздник» - это период времени, имеющий особую связь со сакральной сферой в архаической мифопоэтической и религиозной традиции, предполагающий максимальную принадлежность всех участников праздника к этой сфере, маркируемый как своего рода институционализированное действие» [2].

[1] Тернер В. Символ и ритуал. – Москва: Наука, 1983. – С 32.
[2] Топоров В.Н. Праздник / Мифы народов мира. В 2-х томах. Том 2. – Москва: Советская энциклопедия, 1982. – С. 329.